


Анқара иқтисодиёт академиясининг 70 ёшли битирувчиси яна университет талабаси бўлди!



09:44 / 16.10.2018 2359

70 ёшли мусулмон яна университет талабаси бўлди. 1973 йилда Анқарада иқтисодиёт академиясини битирган Меҳмет Ашиқ, ўн йил умрини давлат хизматига, 35 йилини эса туризм ва савдо соҳасигадаги ишга бағишлади, нафақага чиққанда эса яна олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишнинг уддасидан чиқди.

Меҳметнинг айтишича, у бутун умри давомида янги билимга эга бўлишга интилиб келади ва ҳозирги кунга беш нафар неварасидан ҳеч бир нарсада ортда қолишни истамайди. Барча талабалар орасида Меҳмет Ашиқ энг ёши улў талабадир. Унинг курсдошлари кўпинча нима учун иккинчи мутахассисликни эгаллашга қарор қилгани билан қизиқишади.

islamisemya.com хабарига кўра, ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам бирдек чақирадиган Меҳмет амаки, доимо олий ўқув юртига диплом ёки мансаб пиллапояларидан янада юқорилаш учун кирмаганлигини айтади. У ўз қалбининг кексайиб қолишини истамаслиги, янги билимларга эга бўлишдек мусулмоннинг вазифаларидан бирини бажараётганлигини билдиради. Ҳамма ўқитувчилар унинг қатъияти ва иштиёқини таъкидлашади.

Меҳмет Ашиқ тўртта хорижий – француз, инглиз, немис ва рус тилларини мукамал билади. У барча ёшларга камида 2-3 тилни яхши ўрганишни

маслаҳат беради. У кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришда ҳеч ҳам қийинчилик сезмаган ва энди у бажонидил маърузалар ва семинарларда иштирок этиб келмоқда.

***Islom.uz* портали таҳририяти**